# 1ЮРИДИК ВА ЮРИДИК МАҚОМГА ЭГА БЎЛМАГАН ТАДБИРКОР ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ШАРТНОМАСИ

2022 йил "5,01" 450032-сон Чортоқ
T(Ш)ЭТК номи

Низом асосида фаолият юритувчи

Чортоқ
(туман(шаҳар) электр тармоқлари корхонасининг номи)

раҳбари К Үнсоров (кейинги ўринларда
(туман(шаҳар) электр тармоқлари корхонаси раҳбарининг Ф.И.О.)

"Корхона" деб аталади) бир томондан ҳамда Низом асосида фаолият юритувчи Чортоқ тумани 1-сон касб-ҳунар мактаби
(истеъмолчининг номи)

раҳбари А. Жалилов (кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб аталади),
(истеъмолчи раҳбарининг Ф.И.О.)

ҳисоб рақами – | 4 | 5 | 0 | 0 | 3 | 2. | | иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда - **Шартнома** деб аталади) мувофиқ, Корхона Истеъмолчига электр энергиясини (кейинги ўринларда - **энергия** деб аталади) уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва Истеъмолчи истеъмол қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

## II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭНЕРГИЯНИ ХИСОБГА ОЛИШ

2.1. Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми:

Актив __________________ кВт.с. реактив __________________ кВар.с

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг Шартнома тузилган кунидаги умумий нархи ______________________________сўмни, тариф(лар) бўйича бир ставкали
*тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки 08.11.2017 йилдан ПК-3379 нинг руйхатида кўрсатилган махсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун (кераклиси ёзилсин)*
ташкил этади.

2.3. Истеъмолчига етказиб бериладиган энергиянинг ойлар кесимидаги йиллик хажми ушбу Шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. Истеъмолчи томонидан олинган энергиянинг ҳақ тўланадиган ҳақиқий микдори ушбу Шартномага 2-иловада назарда тутилган хисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (маиший истеъмолчилардан ташқари). Электр энергиясини хисобга олиш асбоблари, шунингдек электр энергиясини хисобга олишнинг бошка воситалари истеъмолчининг маблағлари хисобига сотиб олинади, давлат киёсловидан ўтказилади, худудий электр тармоклари корхоналари томонидан бепул ўрнатилади, пломбаланади ва рўйхатдан ўтказилади.

## III. ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Энергия учун ҳисоб-китоблар табақалаштирилган, бир ставкали ёки 2017 йил 8 ноябрдаги ПҚ-3379-сон қарорининг руйхатида кўрсатилган махсулот ишлаб чикарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан ортик бўлган Истеъмолчи **(бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув**